



Наманган вилоятига ташриф буорган меҳмонлар учун якуний концерт-базм дастурхони ташкил этиш (Республикадан ташриф буорган 370 нафар меҳмонлар ва фестивал иштирокчиларини овқатлантириш ва бадиий кеча) ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

1.1 . Буюртмачи
вилояти бўлими

Республика Маънавият ва маърифат маркази Наманган

Манзил:

Наманган вилояти Наманган шаҳри, Нодира кўчаси 3-үй.

Бош директор:

М.Аппаков

1.2. Республика Маънавият ва маърифат маркази Наманган вилояти бўлимининг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниqlанади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами бажариладиган иш учун **79 600 527** сўм қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада рус тилида келтирилган.

2. Танлов мақсади.

2.1. Наманган вилоятига ташриф буорган меҳмонлар учун якуний концерт-базм дастурхони ташкил этиш (Республикадан ташриф буорган 370 нафар меҳмонлар ва фестивал иштирокчиларини овқатлантириш ва бадиий кеча) ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-банда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4. Ижроига бўлган талаб.

4.1. Наманган вилоятига ташриф буюрган меҳмонлар учун якуний концерт-базм дастархони ташкил этиш (Республикадан ташриф буюрган 287 нафар меҳмонларни овқатлантириш ва бадиий кечаси) ишларини бажариши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вактида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофик қўйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

-
1. Ушбу танлов ҳужжатларига кафолат хати.(ф-2)

2. Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот (ф-3).

3. Давлат руйхатидан утганилиги тугрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари.

4. Мавжуд техникалар, ~~максус~~ ихтисослаштирилган асосий воситалар тугрисида маълумот.

5. Молиявий курсаткичлари.

6. Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камидаги 3 йиллик иш тажрибаси тўғрисида маълумот.

7. Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот

8. Коррупциявий холатларни олдини олиш тугрисида ариза

9. Объект билан танишганлик тугрисида маълумот. Фото илова килиниши шарт.

10. Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят худудий бошқармаси томонидан берилган корхонанинг банкротлик холатида эмаслиги тўғрисида маълумот

11. Солик ва бошка мажбурий туловлардан карзи йўклиги хакида маълумот

.4.4. Қўйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берilmайди:

- қайта ташкил этиши, тутатиш ёки банкродлик босқицида;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар оркали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ~~харакатларни~~ амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

Илова

Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тuri	Хизмат сони
Наманган вилоятига ташриф буюрган меҳмонлар учун якуний концерт-базм дастархони ташкил этиш (Республикадан ташриф буюрган 370 нафар меҳмонлар ва фестивал иштирокчиларини овқатлантириш ва бадий кечаси) ишларини бажарувчи корхонани сардалаш бўйича	370 нафар киши